

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий газетаси • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

МАШИНАЛАР ИШГА ТУШДИ

Поп районидagi «Қўштепа» жамоа хўжалигида Наманган вилоятида биринчи бўлиб машина теримига киришилди. Азбаржон Усмонов бошлиқ бригаданинг пайкалларига турган машина кирди. Уларнинг ҳар бири билан кунига 7—8 тоннадан хом ашё саранжомланмоқда. Суръат кундан-кунга ошиб боради.

Абдуллаев, Довуджон Халиловлар бошлиқ бригадаларида ҳам зағори кемалар иш бошлади. 940 гектар майдоннинг ҳар гектаридан мўл ҳосил олиш учун курашган кўшталарлар янги ҳосилнинг 80 фоизини агрегатлар ёрдамида йиғиштириб олишмоқда. Бунинг учун 18 та агрегатдан унумли фойдаланиш кўзда тутилган.

Кун кеча мазкур хўжаликда механизаторларнинг мавсумиди анъанавий йиғини бўлиб ўтди. Улар етиштирилган оқ олтиннинг асосий қисmini машиналар ёрдамида йиғиштириб олишга сўз бердилар. Бугун-эрта «Найман», «Гуружарой», «Поп» жамоа ва давлат хўжаликларидида ҳам машиналар ишга тушади. Шунингдек Тўрақўрғон, Наманган, Задарё районларида ҳам теримга киришилди, оқ олтин карвонлари бўлиб ўтди.

А. ҚОРАБОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»
мухбири.

МИРИШКОР ДАЛАСИДА

меҳнат қилишмоқда. Ўз фаолиятида ҳосилдорлигини гектар бошига 20 центнердан 40 центнерга етказишга эришилди. Бу ўз-ўзидан бўлган йўл. Тинимсиз меҳнат, изланишлар самарасидир.

Биз бригаданинг кўндаларини қўндаларини гувоҳлик бўлиб, Теримчилардан олинган Турсунов ва Усенов Тошқуловлар, Пардозов Бердиева, Зайнаб Бозоровлар дастлабки кун 50—60 килограммдан дур терилди. 83 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган бригаданинг пайкалларига бўлган пахтакорлар бўлган 200 тонна юқори сифатли хом ашё етказиб беришни ният қилганлар.

Илгари Қорабўйруқ қиш.

доғининг 350 гектарлик ери насослар ёрдамида суғориладди. Бунга қанчадан-қанча маблаг сарф қилинади. Ўш билан эса 5 километр канал қилиб, «Москва» каналдан ўз қисmini билан сув олинадиган бўлиб.

Жорий йилда чироқчиликлар 12.200 гектар майдонда гўза ўстириб, давлатга 28.500 тонна юқори сифатли ҳосил етказиб беришга аҳд қилганлар. Район ҳокимлиги йиғин-теримини уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан аниқ тадбирларни ишлаб чиқди. Хом ашёнинг 60 фоизини машиналар билан йиғиштириб олинадиган 165 агрегат мавсумга тахт қилиб қўйилган. Хуллас, терим суръатини кундан-кунга оширишга пухта замин яратилган.

Шавкат СУЛТОНОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»
мухбири.

ва, Лола Раҳматова ва бошқалар теримда илгорикингизга қараганда меҳнат беллашувида Алишер Ражабов, Жўракул Раҳматов, Шукр Убайдов сингалари оловқалб ёшлар ҳам бошқаларга намуна курсатиб, астойдил тер тўкишмоқда. Бу ерда терим суръати бора ошаётган.

Дилором АҲМЕДОВА.

ФАЙЗИ ЎЗГАЧА

Долзарб мавсум — терим палласи далаларга фойда олиб киради. Пешку туманидаги «Бухоро» жамоа хўжалигининг Мурод Саидов бошлиқ бригаданинг жамоа аъзолари биринчилардан бўлиб теримга киришилди. Бригада далаларида мўл ҳосил тўпланди. Ҳар тун гўзада қўсқалар шигил. Бугунги кунда эса лўппи-лўппи чанок-

лар терим суръатига суръат қўйишга имкон бермоқда. 1992 йили 74 гектар майдонда гўза ўстириб, ҳар гектар ердан 38 центнердан хирмон уйган бригаданинг аъзолари бу йил ҳосилдорлигини 40 центнерга етказишга аҳд паймон қилишган. Ана шу юксак аҳдага яраша меҳнат қилаётган Зебинисо Ражабова, Нодира Қўчқоро-

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИНИНГ ДАСТУРИ

Президентимиз И. А. КАРИМОВнинг «Ўзбекистон—бозор муносабатларида ўтишини ўзига хос йўли» рисоласи кенг жамоатчилик томонидан ўқиб-ўрганилмоқда

БУЮК БУРИЛИШ

Маълумки, истиқлол байрами арафасида Президентимиз Ислам Абдуганиевич Каримовнинг «Ўзбекистон—бозор муносабатларида ўтишини ўзига хос йўли» китоби чоп этилган эди. Яқинда Риштон туманида Фарғона вилояти фаолларининг мазкур рисоласи ўқиб-ўрганиш муносабати билан йиғилиш бўлиб ўтди. 500 киши тўланган йиғилишда вилоят ҳокими Мирзажон Исмолов, барча туман ҳокимлари ва хўжалик раҳбарлари иштирок этдилар. Биринчи бўлиб сўзга чиққан вилоят ҳокими Мирзажон ИСЛОМОВ шундай деди:

— Собиқ Иттифоқ тасарруфидан чиққан ёш мустақил давлатларда катта сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар содир бўлаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Лекин, бу ўзгаришлар ҳамма жойда ҳам бир хил кечмаяпти. Тараққиёт этган мамлакатлар «сузиб бораётган» ҳаёт уммонига қўшилишмасдан, ўз йўлини топа олмай боши берк кўчага кириб қолган ва ундан чиқиб олиш ўрнига қимматлари айбалаб фалсафа сотаётган МДХ баъзи давлат раҳбарларининг ҳоирини олиб бораётган сиеватини тўғри деб бўлмайди.

Оллоҳга шукри, бизнинг меҳнаткаш, танти халқимиз бошига мушкул кунлар тушмади. Қаердадир ўқ овозлари эшитилаётган бир пайтда, истиқлол нашидасини суратган, тараққиёт сари аста-секин олға қадам босиб бораётган халқимизнинг уйидан алла, ёр-ёр овозлари эшитилмоқда. Ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида ижобий ўзгаришлар содир бўлиб, тараққиётнинг янги негизлари кучайиб бормоқда.

Чет эл ишбилармонлари билан ўзаро амалий мулоқот кучайди. Қўшма корхоналар, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи фирмалар, чет эл технологияси асосида халқ истеъмоли моллари ва экин-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаол йўлга қў-



йилмоқда. Биз тараққиёт сари умид ва ишонч билан олға борар эканмиз, қилинган ҳар бир хайрли ишларнинг амалга ошишида, Ватанимизда тинчлик ва оқойиш-талукнинг баридор бўлишида албатта ҳукуматимиз раҳбарларининг, хусусан, Президентимизнинг хизмати бениҳоят катта.

Юртбошимиз доно элнинг юки ерда қолмайди. Барчамизни бир томонлама юришга ундаган тузум йўқолгач, халқимизни тўғри йўлдан олиб борувчи, иқтисодий ботқоқликдан қийиб олишда тадбиркорлик билан сиеват юрғузувчи, узоқни қўлаб иш қилувчи ақлли раҳбар керак эди. Ана шу хислатларнинг барчасини бутун биз Ислам Абдуганиевич тимсолида қўриб турибмиз. Бунга вақтининг ўзи кўрсатди.

У киши ўзларининг олдинги рисолатларида мустақил Ўзбекистон шароитини ҳар томонлама таҳлил қилиб, қисқа вақт ичида Ватанимизни ривожлантириш, бадавлат мамлакатлар қаторига қийиб олиш учун ишчи нимадан бошлаш кераклигини аниқ далиллар асосида белгилаб берган эди. Истиқлол бай-

рами арафасида «Ўзбекистон—бозор муносабатларида ўтишини ўзига хос йўли» китоби нашр этилди. Бу рисола тараққиётнинг барча соҳаларини ўз ичига қамраб олган. Юртимиз фуқаролари: у ҳоҳ яшири бўлсин, ҳоҳ меҳнаткаш бўлсин ушбу китобдан мустақиллигимизни мустаҳкамлашда қандай ишлаш кераклигини аниқ олишлари мумкин.

Ўзбекистонни тараққиёт сари дадил қадам босишда ўзи таялаган йўли ва дастури бор. Ана шу дастурда барчамизнинг қилганимиз ишлар ва вазифамиз аниқ баён қилиб берилган. Ҳар бир киши силқилдан меҳнат қилсагина қўланган мақсадга эришиш мумкин.

Ислам Абдуганиевич ўз рисоласида: «Ўзбекистон қудратли қишлоқ хўжалигига эгадир. Бутун Марказий Осиё минтақасида жами 2 миллион тонна тола ишлаб чиқарилса, шундан бир ярим миллион тоннаси Ўзбекистон толасидир. Тола ишлаб чиқаришда жаҳонда бешинчи ўринда турсан, уни экспорт қилишда иккинчи ўринда турасан» деб таъкидлайди. Бундан ташқари республикада 5 миллион тонна мевасазавот маҳсулотлари етиштирилатган бўлса, пилла, жуи, қорақўл тери ва ундан тайёрланадиган буюмлар жаҳон бозорига машҳур бўлиб, бажонидил харид қилиниши алоҳида тилга олинган.

Шунинг учун кундалик турмушимиз, ҳаётимизнинг асосий манбаи бўлган қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантиришдан туриб иқтисодийнинг мустаҳкамлаб бўлмайди. Ўзига кучи етмаган, буйруқбозлик, эскича ишлаш усули қон-қонига синиб кетган баъзи турлар қишлоқ хўжалигига содир бўлаётган ислохотларга шубҳа билан қарашмоқда. Келинг, дўппини бошдан олиб ўйлаб қурайлик. Маълумки, деҳқон тўқ бўлсагина юртимиз бадавлат бўлади. Тарихий ва оламшумул воқеаларга бой давр келгунга қадар қадқ қўли меҳнаткашнинг бири яки, эски чопони янги бўлади. Истиқлол шарофати туфайлигина деҳқон елкасини оғир тоғди. Ёр ўзининг ҳақиқий эгасини топди. Меҳнатга яраша ҳақ тўлана бошланди. Етиштирилган ҳосил шовқин-суронсиз, ортиқча-дардасиз, қисқа муддатда йиғиштириб олинмоқда. Бу ҳақиқий ислохотнинг негизи эмасми?

(Давоми 2-бетда).

РЕЖА УДДАЛАНДИ

Мустиқил давлатимизнинг бебаҳо бойлиги бўлган пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда деҳқонлар ҳам гайратга гайрат қўшаётганлар. Тумандаги Шароф Рашидов номи жамоа хўжалигида иш аниқсиз қизғин.

Кун кеча хўжалиқнинг қўриқ Бандихон массивидаги Алланазар Қўлматов бошлиқ нурдани бригадани аъзолари режани муддатидан олдин бажардилар. Заршунослар 15 гектар майдондан режадаги 16 тонна ўрнига 25 тонна сифатли хом ашё териб топиришди. Миришкорлар даладаги қолган пахтани чамалаб қўриб, ҳосилдорлигини гектарига 25 центнерга етказишга сўз бердилар.



А. ОДИНАЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»
мухбири.

МИСҚОЛИНИ НОБУД ҚИЛМАЙ

ЗАРБДОР ТУМАНИДАГИ «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» КОРПОРАЦИЯСИ ПАХТАКОРЛАРИ ҲОСИЛНИНГ 98 ФОИЗИНИ МАШИНАЛАР ЁРДАМИДА ТЕРИБ ОЛИШ ТАДБИРЛАРИНИ БЕЛГИЛАДИЛАР

мумкин. Бу тажрибада исботланган. Шунинг учун ҳам гўза парвариши билан боғлиқ агро-техника тадбирларини гўзаят сифатли ва ўз вақтида ўтказишга катта эътибор берилди.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтишни истардим. Янги илгари хўжалиқимиз совхоз эди. Самарга кўнгалдагидек эмасди. Биз бундан буён бошқарув ва иш юритишнинг эскича усули билан узоққа бориб бўлмаслигини аниқлаб, Тошкент вилоятидаги Ким Пен Ха номи корпорациясини чўқур ўргандик.

Очиги илгари биз ишляп-миз, деб қораверган эканмиз. Ишлаб қанчаларини улардан ўргандик. Натияжада биз ҳам корпорацияга тақийл эдик. Одамларга тўла эркинлик бериб, уларнинг самарали меҳнатдан манфаатдорлигини кучайтирдик. Бугун янгиликнинг натижаси яққол кўриниб турибди. Барча пайкалларда мўлжаллагандан зиёд ҳосил етилди.

Бирок пахтамиз бироз кеч очилмапти. Куз ҳавосига ишониб бўлмайди. Унинг ҳар бири дами ганимат. Қўшми кунларнинг ҳар бири деҳқонларнинг унумли фойдаланмасан, бори-дан ҳам айрилиб қолишимиз мумкин. Бу борада 1993 йил ҳосилини йиғиб-териб олишга тадбирларини тўғаллаш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори аниқ мўлдоо бўлди. Биз ана шу қарор асосида йиғин-теримини тез ва соз ўтказиш учун аниқ тадбирлар ишлаб чиққанмиз.

Маълумки, қўлда ишчи кучи кам. Шунинг учун ҳам бизда дала ишларини техникасиз тасаввур қилиш қийин. Бундан ташқари табиат йиғин-теримига жуда оз вақт ажратган бўлиб йилги шарафига катта хирмонни зағори кемаларсиз тиклаш асло мумкин эмас. Жорий йилда ҳосилнинг 98 фоизини агрегатлар билан йиғиб-териб олишга ҳаракат қилимиз. Холва деган билан оғиз чучи мағанидек, режа бажилган

лиш бўлгани унинг таъсири ҳамма жойда билинади. Биз га йўл қўймаслик учун ёниги етарли бўлиши, эҳтиёт қисмлар тақчиллиги сезилмаслиги, техника хизмат дала бошига қўйирилиши лозим. Тадбирларимизда буларга алоҳида эътибор берганмиз.

Аммо ҳар соҳада бўлганидек, йиғин-теримда ҳам муваффақиятнинг бош сабабчиси инсондир. Шунинг учун биз мавсумини тез ва соз ўтказиш тадбирларини белгилаётганда меҳнат қилишга қўшма қўйиш, унинг кундалик таъ-вишлардан азизат қилиш, унумли ишларини таъминлашнинг бош вазифа қилиб қўйдик. Бундан бир неча ой олдин Фориш туманидан 400 бош қўй келтириб бригадаларга бўлиб бердик. Бошқа кераклик озиқ-овқатларни ҳам қамлаб қўйганмиз. Мавсум мўжайида дала ишчиларига иссиқ овқат қилиб бериладиган бўлиб берилди. Бундан ташқари меҳнаткорларнинг уй-ларига ун, гуруч, ағ тарқатдик. Уларнинг рўзгорларидан

кўнгаллари тўқ бўлса, ишлари унумли бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан таъинланган ҳар бир тонна пахта учун 700—800 сўм ҳақ тўлаш кўзда тутилган. Биз иш унумини ошириш мақсадида ҳар бир тонна пахта учун дала гвардиячиларига бир ярим минг сўмдан берамиз. Бундан ташқари меҳнаткорларнинг ўртасида меҳнат беллашуви таъкид этилади. Иш якунлари ҳар ўн кунда якунланади. Ҳақлар пул ва қимматбаҳо соғовлар олинди. Мусобақа оғилларини аниқлашда терилган пахта салмоғидан ташқари унинг сифати, даланинг тозаллиги бош мезон қилиб олинди.

Хуллас эрта-кинди йиғин-терим оммавий бошланиб кетди. Уни катта таъғирлар билан қўриб оляимиз. Одамларнинг кайфияти яхши. Пешона тери ҳисобига етиштирилган ҳосилни мисқолини нобуд қилмай тезроқ териб олишга бел боғлаб туришибди. Насиб қилса 9 минг тонналик хирмонни октябрь ойи ичида тиклаб оламиз.

Пўлат МАМАРАСУЛОВ,
Зарбдор туманидаги «Шарқ юлдузи» корпорацияси президенти.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 21 сентябрь кун Америка Қўшма Штатларининг «Юнайтед техноложис» корпорацияси Президенти Жорж Дэвид бошчилигидаги ишбилармонлар делегациясини қабул қилди.

Ислам Каримов суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Америка ишбилармонлари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтириш лозимлигини таъкидлади.

— Ўзининг аниқ иқтисодий йўналишини белгилаб олган республикамиз сифатли маҳсулот ишлаб чиқарадиган ҳалол ва илгор фирмалар билан ҳамкорлик қи-

лишни истайди, — деди мамлакат раҳбари. — Ислохотимизнинг беш принциpidан бири иқтисодийнинг сиеватини холи қилишдир.

Меҳмон қабул учун Президентта минафдорлик изҳор этар экан, қўл остидаги корпорациянинг совутичлар, самолёт дингетели ва параклари, вертолёт, лифт ускуналари каби маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи фирмалари билан Ўзбекистон корхоналари ўртасида йўлга қўйилган иштиробли алоқалар ҳуусида сўзлади.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Султонов қатнашди.

(Э.А.)

ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1993 ЙИЛ 22 СЕНТАБРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Вилоятлар	Режадаги нисбатан фойз ҳисобида			
	Жами		Жумладан машина терими	
	Бир кунда	Мавсум бошдан	Бир кунда	Мавсум бошдан
Қорақалпоғистон	1.38	8.67	0.22	0.47
Ўзбекистон Республикаси	0.72	2.34	0.00	0.00
Андижон	2.02	14.19	0.12	0.21
Бухоро	0.00	0.00	0.00	0.00
Қашқадарё	0.76	3.37	0.15	0.50
Навоий	0.40	2.42	0.00	0.00
Наманган	0.00	0.00	0.00	0.00
Самарқанд	0.00	0.00	0.00	0.00
Сурхондарё	2.22	19.45	0.83	2.88
Сирдарё	0.00	0.00	0.00	0.00
Тошкент	0.24	0.85	0.00	0.00
Фарғона	1.42	3.75	0.00	0.00
Хоразм	2.62	23.54	0.00	0.00
Ўзбекистон Республикаси	0.97	6.34	0.12	0.37
бўйича	0.53	2.25	0.02	0.06
1992 йилнинг шу кунинда				
Шу жумладан илгичка толали пахта				
Андижон	0.00	0.00	0.00	0.00
Бухоро	0.00	0.00	0.00	0.00
Қашқадарё	0.02	0.18	0.00	0.00
Навоий	0.00	0.00	0.00	0.00
Наманган	0.00	0.00	0.00	0.00
Сурхондарё	1.26	11.51	0.00	0.00
Ўзбекистон Республикаси	0.96	8.80	0.00	0.00
бўйича	0.35	3.14	0.00	0.00
1992 йилнинг шу кунинда				

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИНИНГ ДАСТУРИ

Президентимиз И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон—бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» рисоласи кенг жамоатчилик томонидан ўқиб-ўрганилмоқда

БУЮК БУРИЛИШ

(Боши 1-бетда).

Айни паллада вилоят бўйича ялпи пахта йиғим-теримиға тушиш арафасида туримиз. Бундан 3-4 йил аввал пахта монополияси деб айюханос солганлар бугун ўз хатоларини тан олмақдалар. Пахта бу — кўролимиз, овқатимиз, нийимимиз эканлигини халқимиз жуда яхши билади. Вилоятимиз пахтакорлари жорий йилда давлатга 450 минг тонна хом ашё сотишга аҳд қилишди. Кунни кеча бўлиб ўтган вилоят деҳқонлари маслаҳат кенгашида ҳўжалик раҳбарлари ҳосилини йиғиб-териб олиш режасини ўзғари билан 30 октябргача бажариш мумкинлигини айтишди. Бу ҳам ислохот руҳи эмасми?

Ислом Абдуғаниевич юртбоши бўлиб сайланганларидан кейин қишлоқ меҳнаткашларига томонра ва уй-жой учун ер ажратиб берила бошлади. У кишининг фармонияға мувофиқ қисқа муддат ичиде бир ярим миллиондан зиёд оила янги уюшталар билан таъминланди. Вилоятимизда ҳар бир қишлоқ онласи ўртача 19 сотих томонраға эға бўлди.

Президентимиз дастлабки ишни қишлоқ ҳўжалиғи муаммоларини ҳал этишға қаратгани бежиз эмас. Қишлоқда ишчи кучлари шаҳарға нисбатан кўпдир. Иш ҳажми эса тобора камайиб борапти. Шунга қарамай, мустақил Ўзбекистонимизнинг қишлоқ ҳўжалиғи истиқболли тармоқдир. Мустақиллик деҳқон билан чорвадорнинг ҳам айни муддаоси эди. Жамоа ва давлат ҳўжалиқлари, ижарачи бригада ва эвенолар эндиликда кўпроқ мустақил иш юритишға ўрганмоқдалар. Бугунги кунда вилоят деҳқончилиғида меҳнат қилаётган кишининг 90 фоизидан зиёди ижара ва оила пудрати асосида ишламоқда. Чорвачилиқнинг ўзида олти ярим мингдан ортқ деҳқон (фермер) ҳўжалиқлари мавжуд.

Маъмур рисолада: «Энг муҳими — ижтимоий ларзаларсиз, қатъият ва изчиллик билан бозор муносабатларига ўтиш, жамъи куч-қудрат ва бойликлардан самарали фойдаланишни, халқ ҳўжалиғининг барқарор ривожланишини, республиканинг турмуш даражаси юксак бўлган, иқтисодий тараққий этган мамлакатлар қаторига чиқиб олишини таъминлайдиган, қудратли иқтисодий негизни вужудға келтираётган, давлатчиликнинг мустақам пойдеворини барпо этиш керак» деган сўзлар ҳар биримизни кўтаринки руҳ билан меҳнат қилишға ундайди.

Ҳўш, вилоятимиз меҳнаткашларининг турмуш даражасини юқори кўтариш учун қандай ишлар амалға оширилаяпти? Биринчи навбатда мулкчиликнинг хилма-хил шаклларини вужудға келтириш, иқтисодий рақобатни авж олдиришға эғтибор берилмоқда. Рақобат бўлмас экан, сифатли маҳсулот ҳам бўлмайди. Яқин келажакда харидор сотувчиға таъйим қилиб мол олмайди. Ақсизча, маҳсулот оғиси ўз молини харидорға таъйим билан ўраб беради. Ишшоолло шу кунлар келди.

Мулкларни давлат тасарруфидан чиқариб, хусусийлаштириш жараёнини амалға ошириш соҳасида ҳам анча ишлар қилинмоқда. Вилоятимизда 102 минг 323 квартира фуқароларға хусусий мулк қилиб берилди. Шундан 36 минг 371 та квартира айрим тоифадаги кишиниларға текинға берилди. Маҳаллий саноат, давлат савдоси, аҳолиға маийш хизмат кўрсатиш, матлубот жамиятлари уюшмаси, кооператив тайёрлов-савдо ва мева-сабзавот-вино саноати тармоқларида 3196 та корхона давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилди. Шундан 2 430 таси шахсий мулк сифатида фуқароларға сотилди.

Маълумки, истиклолгача республикамиз хом-ашё манбаи бўлиб келди. Энди илжони билан қисқа муддатлар ичиде ўйинида хом-ашёлари қайта ишлаб маҳсулот чиқарувчи кичик, ўрта ва йирик корхоналарни қуриб, ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйишнинг зарур. Бу соҳада чет эл сармояларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эға. Ҳозирнинг ўзида вилоятимизда 21 та ўз сармояси билан иштирок этиб ишлаётган қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Қўшма шайридаги «Дўстлик-М», «САН-ТЕ» ўзбек-турк ва ўзбек-хитой қўшма корхоналарида ишлаб чиқарилаётган чарм маҳсулотлар харидориги бўлмоқда. Бу корхоналар шу кунгача 311 миллион 843 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, реализация қилди.

Турли халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилаётган, маҳсулотларини қайта ишлаётган кичик корхоналар сон 1 428 тадан ошиб кетди. Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш борасидаги Президентимиз фармонлари жойларда ўз инфо-дасини тошмоқда. Шу кунгача вилоятимиз қишлоқ хонадонларидан 10 минг 500 тасида зантори олов порлади. 149 минг 537 километрга сув шобҳачилари ётқизилиб, қозлаб қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминланди. Бу ҳам ислохот шарофати эмасми?

Биз ҳақиқий бозорға ўтиш остонасида туримиз. Президентимиз рисоласида ҳам бунга алоҳида эғтибор берилган. Юртбошимизнинг олиб бораётган адолатли сибаси натижасида халқ ҳўжалиғининг барча тармоқларида иқтисодий тараққийёт йўлидан дадил қадам ташлаб бормоқдамиз. Барча соҳаларда демократик, ҳуқуқий давлатчилик, фуқароларнинг ижтимоий ҳимояланлишига катта эғтибор берилмоқда. Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларға бошқа МДҲ давлатлари ҳавас билан қарамоқда. Ишқилиб, Олоҳ таоло ёмон кўзлардан асрасин. Мен бу борада бир воқеани айтиб ўтишни лозим топдим. Шу йилнинг май ойидаги раёсат йиғилишида Ислом Абдуғаниевич гап орасида «Илжони бўлса бошқа давлатлардан олиб ва иқтисодчиларни чакрайлик, ислохотни бизға ўргатсин» деган эдилар. Биз Москвадан таниқли олиб, фанлар академиясининг академиғи, иқтисод фанлари доктори В. С. Белоногович чакрилди. У киши Ўзбекистон ҳаёти билан танишиб чиққан, ҳайрон бўлиб — Ақсизча ислохотни Россия ва бошқа давлатлар сизлардан ўрганиш керак экан, — деди. У кишининг шундай хулосаға келишиға сабаб, Россияда олиб борилаётган номабул ислохот тўғрисида саноат ишлаб чиқариш 40 фоиз ортқа кетган. Ҳатто улут Батан уруши йилларида ҳам бу кўрсаткич 23 фоиздан ошмаган эди. Бунга нима сабаб бўлаяпти деб таҳлил қилинганда, Россияда биринчи ўринға сибас қўйилган, кейин иқтисодий ислохотға ўрин берилган. Ҳақимға фойда мана шунда. Ленин, бизда эса бунинг тамоми-

ла ақс. Албатта бунинг ўзи бўлаётгани йўқ. Президентимизнинг донолиғи, келажакни кўра билиши, тадбиркорлиғи ва саяй-ҳаракатлари шу ерда яққол намоён бўлмоқда.

Ислом Абдуғаниевич ўз китобларида айтдиларки, республикада иқтисодий ислохотларни ўтказишға тубдан янгиға ёндошувни, бунда сифат жиҳатдан янги вазифалар ҳамда шароитларни, амалий тажрибани ҳисобға олишни, асосан ўз кучига таъйиниш ҳаётининг ўзи тақозо этмоқда. Ўзбекистоннинг ўтмиши, ҳозирги кун ва тараққийиға тўла-тўқис мос келадиган мутлақо янги андоза, ўзига хос йўл зарур. Энг муҳими, бизнинг бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуришдан бошқа йўлимиз йўқ. Тўпланган тажриба, илмий таҳлил ва ақл-идрок шундан далолат бермоқда.

Ушбу рисола илгари ўртаға қўйилган қондалар ва ғояларни умумлаштирибгина қолмай, шу билан бирға республикада ва бошқа мамлакатларда иқтисодиётни ислох қилиш борасида тўпланган амалий тажрибаға асосланб бу қоида ва ғояларни янада аниқроқ ва чуқурроқ белгилаяпти. Шу сабаб Ислом Абдуғаниевичнинг ушбу рисоласини чуқур ўрганиб, уни ҳаётға тадбиқ этиш лозим. Бу ерда айтилган ҳар бир фикр келажак ҳаётимизға хайрли хизмат қилиши аниқ.

ЭЛНИ ЕР БОҚАДИ



Ҳалимжон ЮСУФЖОНОВ, Риштон туманидаги М. Келдиев номида жамоа ҳўжалиғи бошқаруви раиси.

— Бу ерга йиғилганларнинг кўпчилиғи қишлоқ ҳўжалиғини яхши билган тажрибали пахтакор, соҳибкор ва миришкорлардир. Вилоятимиз ҳокими юқорида қишлоқ ҳўжалиқ ҳаётини аниқ далиллар асосида мухтасар баён қилиб бердилар. Ҳақиқатан ҳам давлатимиз истиқболини қишлоқ ҳўжалиғини тасаввур қилиш қийин. Элни ер боқади. Ерни парваришлари эса деҳқонға боғлиқ. Деҳқон ерни алдамаса, ер ҳам деҳқонни алдамайди. Илгари, пахта етиштириб суяги қотган, ўз касбини яхши билган тажрибали деҳқонға «благонлардан» кўрсатма келарди. Пахтакор мўл ҳосил олишни яхши билса ҳам халиғи кўрсатмаға амал қилишға мажбур эди.

Истиқлол шарофати тўғрисида ер ўз эгасини топти. Энди деҳқон эмин-эркин ҳаракат қилмоқда. Одамлар руҳида, онгида, меҳнатда жонланиш пайдо бўлди. Қишлоқ аҳолисини томонрали, уй-жойли бўлаяпти. Хусусий мулкчилик томир ота бошладди. Турмушимиз фаровонлашиб борапти. Мустақиллик ҳақиқати тантана қилмоқда. Булар барчаси юртбошимизнинг қишлоқ аҳлиға кўрсатаётган гамхўрлигининг дебоҳасидир.

Ушбу китобнинг қишлоқ ҳўжалиғига онд банди кенг қаровлидир. «Республикамиз онд муҳим стратегик маҳсулот — пахта етиштирувчи ва ундан тайёрланадиган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ҳамада етказиб берувчи асосий ўлкадир» дейилади рисолада.

Пахтани азалдан ота-боболаримиз экиб келишган. Деҳқончиликнинг бу тури қон-қонимизға сингиб кетган. Есак овқат, кийсак кийим, ётсак кўрпа бўлидиган бу бебаҳо неъматни ёмонотлиққа чиқарувчилар топилди. Тўғри, пахтани ҳатто ўз томонраимизға эккан пайтларимиз ҳам бўлди. Экинларнинг ичиде энг арзон ҳам пахта эди. Ундан ҳўжалиққа деярли фойда келмасди. Йил ўн икки ой меҳнат қилиб, қарзға ботиб қолаверар эдик. Энди аҳвол тубдан ўзгарди. Меҳнатга яраша ҳақ тўланапти. Ҳокимимиз Мирзажон Исломов айтганларидек, деҳқоннинг усти энди янги чопон кўрди. Уйига газ, тоза ичимлик суви келди. Даромади ҳам ёмон эмас.


Яширадиган жойи йўқ, ўтган йили ҳўжалиқда режа бажарилмади. Буни сабабларини ўрганиб чиқдик. Бу йил барча майдонларға пахтанинг серхосил навини эдик. Натижа ёмон эмас. Худо хоҳласа гектаридан 28 ўрниға 30 центнердан сифатли хом ашё олишни мўлжаллаб туримиз. Учта фермаимиз бор. 1210 бош қорамол боқилди. Қишлоғта озуқанинг барча туридан ортиғи билан ҳамлаб олдик. 2 та фермер ҳўжалиғи бор. Улар сакки ой ичиде давлатға 26 тонна серқаймоқ сўт топиришди.

Ҳозир бутун ҳўжалик аъзолари ялпи пахта теримиға тушиш арафасида. Мавжуд 17 та терим, 4 та кўрак узиш ва 5 та кўрак чувиш машиналари эгарланган тейдек бўлиб турибди. Терим пайтида барча теримчи ва механикаторларға озиқ-овқат маҳсулотлари ва рўзгорға керакли анжомлари даланинг ўзида олиб келиб сотишни ташкил қилимиз. Бу қозқозчиларнинг кўнглини бир жойға қўйиб ишлашига ва ҳосилини қисқа муддатда йиғиштириб олишимизға имкон яратди. Юртбошимизнинг олиб бораётган иқтисодий ислохоти — тинчлик, барқарорлик сибасини ҳўжалиғимиз аҳли маъқуллашмоқда. Мустақиллигимизни мустаҳкамлашға биз ўзимизнинг 4000 тонналик «оқ олтинимиз» билан ҳисса қўшамиз.



И.А.КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН — БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЙЎЛИ



ЖАҲОН САРИ ЙЎЛ



Аҳмадали ҒАФУРОВ, Фарғона давлат университети иқтисодий фанлар кафедрасининг мудири, иқтисод фанлари доктори.

— Ўзим иқтисодий бўлганлиғим учун рисолаи тўлиқ ўқиб, ўрганиб чиқдим. Республикамизда ўтказилаётган ислохотни бир сўз билан Каримов иқтисодий ислохоти деб айтиш мумкин. Президент сифатида у кишининг бошқа мамлакатлар юртбошиларидан фарқи шундаки, ислохот назариясининг муаллифи сифатида ва унинг амалда қўланишида бевосита бошчилиқ қилиб келмоқда.

Ҳозирги кунда аниқ бўлиб қолдики, бозор иқтисодиёти тараққийётнинг ягона тўғри йўлидир. Аммо бу бозорға ҳар бир мамлакат ўзига хос йўл билан иқтисодий ислохот дастуриға эға бўлган ҳолда кириб бориш мумкин. Шу маънода Ислом Каримов бозор муносабатлари ривожланишида байналминвал ва умуминсоний қадриятларни ҳисобға олганлиғи бежиз эмас. Рисолада бозор ўзгаришларининг бегона тажриба андозасини кўр-кўрона тадбиқ этмасдан, ўз кучига кўпроқ ишона оладиган, аниқ белгилаб олишган тамойиллар олға сурилган.

Ислохотнинг олдиндан белгилаб олишган бу янги принципи манфатлироқдир. Ўзбекистон ўзининг иқтисодий салоҳияти билан шундай катта қудратға эғаки, бунга тўла рубға чиқариш жараёнида мамлакатимиз иқтисодий тараққийётнинг юқори чўққисига чиқиши аниқ. Президентимиз иқтисодий ислохотда хоржий давлатлардан ёрдам сўраб эмас балки, истиқболли ва ишончли шериклар сифатида муносабатлар ўрнатиб тамойилни ишлаб чиқди. Каримов иқтисодий ислохотининг энг муҳим омилларидан бири бу — аҳолини ижтимоий ҳимоялашдир. Илгари Ўзбекистон аҳолисини ислом хажми бўйича жаҳонда 90 ўринға тўғар эди. Жон бошиға 7 гўшт ва 7 гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш АҚШ ла 120, Ғарбий Германияда 139, Венгрияда 104 килограмми ташкил қилган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 27. Фарғона вилотида эса бори 19 килограмми ташкил этган. Аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича ҳам энг охириги ўрнлардан бирида турар эдик.

Ҳақ бир Ўзбекистон фуқаросиман келган инсон мустақиллиғимизни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш учун сиқидиллик билан ҳалол ишлаши лозим. Шундагина қўзланган мақсада эришиш мумкин. Президентимизнинг ушбу рисоласида келтирилган айрим фикр ва мулоҳазалар нафақат Ўзбекистоннинг истиқболли ва равнақи учун, балки бошқа, ёш мустақил давлатларнинг тараққийиға ҳам ижобий таъсир кўрсатади ва хизмат қилади. Мазкур китобда иқтисодий ислохот ўтказётган ёш мустақил давлат беш принцип асосида қурилатганини ифодали баён қилиб берилган. Бу беш принципдан энг муҳими иқтисодий сибасдан устивор турмуш. Муаллиф иқтисодиётдаги туб ўзгаришлар меҳнаткашларнинг елкасига оғир юк бўлиб тушмаслиғи кераклигини ўқтиради. Шу йилнинг ўзида иш ҳақлари, вафзалар ва талабалар стипендиялари етти марта олганлиғи Президент фикрининг далилидир.

Маълумки, И. А. Каримов икки йил давомида Ўзбекистонни келажак буюк давлатга айлантириш борасида илмий асосланган назарияни ишлаб чиқди. Республиканинг ўзига хос иқтисодий салоҳияти, демографик ривожланиши, хом ашёни узлуқсиз қайта ишлаш жорий қилиш каби етимини топишға ёрдамлашувчи омилларни баён қилиб берди. Шу сабаб ушбу рисоладан ҳар бир ҳўжалик юрғаувчи раҳбар қўлланма сифатида фойдаланиши ва И. Каримовға иқтисод фанлари доктори халқор илмий унвон берилиш шарт деб ўйлайман.

КЕЛАЖАК БИЛИМДОН ЁШЛАРНИКИ



Раҳимдин БУРҲОНОВ, Фарғона политехника олий илм-гоҳининг ректори.

— Президентимизнинг ушбу китоби ўз вақтида нашрдан чиқди. Республикамизда моддий ва маънавий таълиқдан чиқариш миллий давлат пойдеворини қуриш, иқтисодиётимизни бозор муносабатига олиб ўтишда нима ишлар қилиш кераклиғи рисолада пухта айтиб ўтилган.

Ислохотлар стратегиясини амалға оширишда китобда айтиб ўтилган устивор йўналишлардан яна бири бу — «Таълим ва кадрлар сибасини ривожлантириш ҳамда ислох қилиш»дир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш биринчи навбатда кадрлар потенциалига; уларнинг касб жиҳатдан тайёрлиғига ҳам боғлиқ. Таълим тизимимиз узоқ йиллар жаҳон тараққийиётининг илгор ютуқларидан ва халқимизнинг тарихий илдиларидан ажралиб қолган эди. Маълумки, Туркистон дистри буюк алломаларни етиштирган. Бутун дунё илм аҳли улар билан фахрланади. Улар асос солган миллий-илмий тафаккурнинг анъаналарини давом эттириш ва байитиш учун бизда барча шарт-шароитлар мавжуд.

Бозор шароити кадрларнинг касб маҳоратиға нисбатан қаттиқ талаблар қўймоқда. Шунини ҳисобға олиб республикамизнинг барча олий ўқув юртларида бу йил талабалар тест синаовлари асосида қабул қилинди. Бу эса ўзининг моҳияти билан ёшлар ичидан истеъдодлигини танилаб олишға имкон яратди. Вилотиимиз олий ўқув юртлариға қабул қилинган 527 нафар талаба юқорида айтиб ўтилган кадрлар сибасининг талабларига тўла жавоб беради деган умиддамиз.

Рисолада ишлаб чиқаришни техникавий таъкил этишнинг замонавий талабларға жавоб берувчи соҳаларини яратиш асосий вазифалардан бири деб белгиланган. Шу вазифани маълум даражада ҳал қилиш учун бизнинг олий илмгоҳда бешта янги мутахассислик курси очилди. Талабалар таллов асосида чет мамлакатларға ўқиш ва малака ошириш учун юборилапти. Ҳозирнинг ўзида хоржий алларда 2,3 мингдан кўпроқ республикамиз ёшлари таълим олапти. Шундан 25 таси бизнинг олий илмгоҳ талабасидир.

Бу йил яна олти талабани Туркияға, танловдан муваффақиятли ўтган бир талабамиз эса АҚШға билим олиш учун юборилмоқда. Яқин келажакда Ўзбекистон ўзининг етук кадрларига эға бўлади. Ҳаммамиз бу ишларнинг натижаси истиқболли эканлигини дилдан сезиб туримиз. Энг муҳими, ёшларнинг ўзи бунга англаб етишган. Тараққийёт йўлидаги ўқир-ўқуришлар уларни чўчқомаслиғи аниқ. Биз ҳақиқий бозор остонасида турган эканмиз, ним қайси касб эгаси бўлишдан қатъий назар, ҳаммамиз ўз жойимизда бир тан бир жон бўлиб, ҳалол ва фидойилик билан меҳнат қилсак, қўзланган мақсадға албатта эришамиз.

ДУНЁ БОЗОРИГА МОС



Шамшиддин САЙДАҲМЕДОВ, «Ўзнефтиқайташ» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори.

«Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» рисоласида ўртаға ташланган қоида ва ғоялар республикамиз ва бошқа мамлакатларнинг амалий тажрибасига асосланб Ўзбекистон заминида жуда улкан ва ноёб, халқ ижтимоий ишлаб чиқаришға жалб этилмаган минерал — хом ашё ресурслари алоҳида баён этилган.

Маълумки, сўнгги 2 йил ичиде топилган нефть (Мингбулок ва Қўқудумалоқ конлари) ва газ захиралари келгусида республиканинг ўз ахтёжларини таъминлашға қўлмай, энергия манбаларини четта сотишға ҳам имкон беради.

Бозор муносабатларига ўтиш қуруқ гапни ёттирмайди, иқтисодий таҳлил билан иш юритишимиз зарур бўлади.

«Ўзнефтиқайташ» ишлаб чиқариш бирлашмаси республика ва вилоят раҳбарияти олға сурётган, кечитириб бўлмайдиган вазифаларни бажаришға киришган. Мустақил-

лик берган имкониятлардан тўла-тўқис фойдаланиш чоралари қўрилмоқда. Қатор тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Собий иттифоқ давридаги бюрократча муносабат, энг муҳими, республика саноатини ривожлантиришдаги тўснқлар парчалаб ташлангани илк мева-ларини бермоқда. Янги маҳсулот ишлаб чиқаришда илгор технологияни жорий этиш учун йўл очилди. Фақат ишлаб керак, холос. Афсуски, илгари жуда кўп антиликлар, илгор технологиялар ҳақидаги билдирилган фикрлар юқори ташкилотлар томонидан қўллаб қўуватланмай, қорозда қолиб кетарди.

Бирлашмамиз бугунги кунда республикамизнинг нефть маҳсулотлариға бўлган ахтёжини тўла таъминлашни ўзининг бош ва зифас қилиб олган. Биз ўз маҳсулотимиз билан келажакда жаҳон бозорига чиқишға эришиш йўлини ўрганаёламиз.

Ҳозир нефть маҳсулотлари нашлаб, чиқаришни ўзимизда ўзлаштирдик ва ўз йиғим-теримини ўзлаштирдик. Дастлабки илдилар ўз самарасини берапти. Кичик авиация учун бензин, нитрол, ўта тақчил бўлган «Жигули» автомашиналарининг мойи ва бошқа ёнгли, сувоитрилган газ каби маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи технологиялар ишға туширилди.

Саноати ривожланган хоржий мамлакатлар технологиясини жорий этиш устида иш олиб бораёламиз. Муаммолар аста-секин ҳал этилаяпти. Ишлаб чиқариш қувватлари оширилаяпти. Маҳсулот турларини кўпайтириб, уларнинг сифатини жаҳон бозори талаблари даражасига кўтаришимиз шу куннинг қатъий талаби бўлиб турибди.

Президентимизнинг ушбу рисоласида саноатимизнинг келажак ойдни йўли муфассал баён қилиб берилган. Шу сабаб барча саноат ходимлари бу китобни чуқур ўрганишлари ва ҳаётға тадбиқ этишлари лозим.

ПОЙДЕВОРИ ПИШИҚ БЎЛСА...



Эминжон ИСОҚОВ, Ёзёвон туман халқ таълими бўлимининг мудири.

— Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевичнинг мазкур рисоласида маориф соҳасига тааллуқли бандида таълим беришнинг бозор шароитидаги концепцияси ихчам ва илмий баён қилинган. Ёшлар бу — Ватан келажак эналити ҳаммамизға маълум. Шу боис ҳукуматимиз раҳбарлари муаллимларни ижтимоий ва социял ҳимоялашда кўрсатаётган гамхўрликдан миннатдорим.

Шу йилнинг август ойида муаллимлар методик кенгашида ўтган ўқув йилидаги ютуқ ва камчиликлар сарҳисоб қилиниб янги ўқув йили вазифалари белгилаб олинди. Қилинган сарҳисоблар шуни кўрсатдики, биз эндиликда болаларнинг билим даражасини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқмоғимиз зарур.

Бу борада дастлаб Туркия услубини, кейинги босқичда эса ўз миллий услубимизни жорий қилишни асос қилиб олдик. Бу борада вилот халқ таълими бошқармасининг ташаббуси билан Фарғона ва Қўқон шаҳарларида очилган Туркия услубидаги ўғил болалар лицейлари фикримизнинг далилидир. Шунингдек, бошқа туманларда очилган 11 та миллий лицейларда иқтидорли болалар танилаб олиниб ўқитилмоқда. Ўтган йилдан бошлаб мактабларда барча фанлар чуқурроқ ўқитилиб бoшланди. Ихтисослаштирилган сифларнинг кўпайтирилаётганлиғи ўз натижасини берапти.

Биз маорифчилар бугунги кун талаби асосида таълим ишини тубдан ўзгарттиришимиз зарурлиғи Президентимиз рисоласида таъкидланганлиғи бежиз эмас. Боғча-гимназия, мактаб-лицей, синф-лицей усулиға ўтганиб энг иқтидорли болалар синов йўли билан танилаб ўқитилиши вилот ва туман халқ таълими бошқармасининг иш режасига киритилган. Ёзёвонда шу йилдан бошлаб болаларға миллий хунармандчилик, дўппи, чорси тикиш, сават тўқиш, дурадзорлик, сандиксозлик, ўймакорлик каби касбларни устоз-шогирд усулида ўргатишға киришдик. Ўтган йилдан ишлаб чиқарилган маҳсулотларини сотиш учун махсус дўкон очдик. Шу масала юзасидан вилот халқ таълими бошқармаси муаллимлар семинарини ўтказишға қарор қилди. Йил бошида Фарғона дорилфунуни билан ҳамкорликда ёшларни олий ўқув юртиға тайёрлаш маркази очилди. Бу марказда ўғил ёшларнинг 41 нафари шу йил олға ўқув юртларига қабул қилинди.

Мактабда таълим ислохотини ўтказишмизда олдимизда халқ таълими вазифалар турибди. Бу вазифаларни нечитирмасдан бажариш ҳар бир маориф ходимининг бурчи ҳисобланади. Зеро, рисолада таъкидланганидек, биз ҳар томонлама етук кадрларни тайёрламай туриб, тараққийёт босқичига чиқа олмаймиз. Бу оқилона фикр. Биз, маорифчилар бугунги кун талабидан келиб чиқиб келажак таълимни Президентимизға, Ватанимизға ва халқимизға саломатлиқ хизмат қилиш руҳида тарбиялашда бутун имкониятимизни ишға солишимиз лозим.

Йиғилиш қатнашчилари Республикамиз Президентининг олиб бораётган оқилона сибасини, келажак буюк бўлган Ватанимизнинг истиқболли йўлини бир овоздан маъқуллашди.

Саҳифа материалларини «Қишлоқ ҳақиқати» махсус муҳбири Раҳмонали АКБАРАЛИЕВ тайёрлади.

БОҒБОНУ СОҲИБКОР—БУГУН ТАДБИРКОР,

ДЕЙДИ «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТИ» КОНЦЕРНИ РАИСИ ШАВҚИДДИН МИРЗАЕВ

Бизнинг музоҳаб

Жонажон Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганига икки йилдан қолди. Тарихан жуда қисқа бу муддат ичида ҳур диёримизда беқиёс ижобий ўзгаришлар бўлиб берди. Иқтисодий ислохотлар халқ ҳўжалигининг барча соҳалари қатори

қишлоқ ҳўжалигида ҳам ўз самаларини кўрсатаяпти. Устивор тармоқнинг муҳим бўлини ҳисобланган мева-сабзавотчиликда, узумчиликда, бу маҳсулотларни қайта ишлаш саноатида нималар қилинмоқда? Суҳбатимиз мавзуси шулар хусусида бўлди.



тин яхшилаш ниятида янги технологияларни жорий этиш, хорижий ускуна ва машиналарни келтириш учун бир катор фирмалар, давлатлар билан шартнома имзолади. Туркиянинг «Навипўл», Олмоннинг «Эмпорт», Польшанинг «Агролекс», «Кольмекс», Голландиянинг «АЕС» фирмалари билан тузилган битимлар шулар жумласидан. Бу фирмалардан мамлакатимизга арқоқ, яшиллар, ёрликлар, қопқоқлар, фильт картонлар ҳамда бошқа жиҳозлар олиб келинди.

Муҳим озуқа бўлган картошка билан халқимиз эҳтиёжини тўла қондириш, қиш-ёзнани шўх шўхлатиш ниятида Голландиянинг «АЕС» фирмасидан 45 минг тонна уруғлик картошка, турли хил машина, комбайнлар келтирилди. Шу жумладан 16 та модуль ҳам олиб келинди. Уларнинг мутахассислари ҳам шу ерга келиб бизга кўмаклашмоқда. Шунингдек, улардан 4 миллион 290 минг декалитр спирт вино-арқоқ корхоналарига етказиб берилди.

Ўз навбатида Ўзбекистон заминидан етиштирилган олмадорлардан тайёрланган 113 тонна шарабат, 84 тонна қурутилган лина, 17 тонна қурутилган нарам чет алларга жўнатилади. Концерн тизимида чет эллик шериклар билан ҳамкорликда бир неча қўша корхона ташкил этилди. Англиянинг «Синтез Корпорейшен» ҳамда Андижон вилоятининг «Қўйғон» консерва корхонаси биргаликда йилга 30 миллион шартли банка помидор қайласи, Братск алюминий корхонаси билан Бухородаги Ромитан тумани «Ҳазорбоб» давлат ҳўжалигида йилга 30 минг декалитр шарабат, Бекатеринбург шаҳрининг қурилиш бошқармаси ва Тойлоқ туманининг Саидназаров номи давлат ҳўжалиги ўрта-савабот ва меваларни жаҳон сифат андозасида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, тақдир бозорга маҳсулот олиб чиқишни мўлажамлашди.

Бир сўз билан айтганда, саноатда ишлаб чиқариш жараёни ҳам мураккаблашмоқда, ҳам ихчамлашяпти, ҳам жойларнинг ўзида маҳсулот ишлаб чиқаришни оsonлашувчи нў бермоқда. Бу аса

қишларни иш билан, дастурхонни аса мўл-кўл маҳсулотлар билан таъминлаб, тез бузилиши мумкин бўлган мева, сабзавотларнинг сақлаб қолинаётганлиги, самарадорлик оширилаётганлиги билан қимматлидир.

— Шавқиддин ака, айни паллада муаммолар ҳар қачонгидан сероб. Лекин, олма пил оғзимга туш қабилда иш тутиб қараб турилса, четдан бирор келиб ахбори йўғламайди. Шунинг учун муаммолар қандай ечимини топишмоқда?

— Шубҳасиз, корхоналар муаммолардан холи эмас. Бироқ, айтганимиздек, уни бегоналар келиб ҳал этиб кетмайди. Гайрат намарин белга боғлаб ўзимиз курашимиз лозим. Масалан, шакар тақсис. Ишимиз аса тўхтагани йўқ. Шакар ўрнини узум, олма шарабларидан олинган қиём билан қоплашимиз. Хориждан келтирилган шараблар ўрнига ҳам диёримизда ўсадиган гиёҳларни ишлаб чиқариш.

Пластмасса қўти, шишаларга қопқоқ, ёрликлар ва бошқа нарсаларни Ватанимизда ишлаб чиқаришга киришилди. Тошкентда бунёд этилаётган шиша идишлар корхонаси аса бу борадаги тақсисликка барҳам беради деган умиддамиз. Ҳукуматимиз «Ўзмеvasabzavotuzumsanoati» концернига яқиндан ёрдам берапти. Шу туфайли «Ўзкимконцерн» билан биргаликда спирт ишлаб чиқариш тармоқларини кўпайтиришга, янги бинолар қуришга киришилди. Мавжуд 12 та вино корхонасида ҳам йилга 2 миллион декалитр спирт тайёрлаш имкониятини вужудга келтириш устида ишлар олиб бориляпти. Биринчи навбатда Наманган, Самарқанд вино корхоналаридан аса шундай тармоқлар ишга тушиб, сифатли маҳсулот бермоқда. Қайта ишланган саноат қишқиндиларидан ҳам умумий фойдаланишга эътибор қаратиляпти. Шиша идишлар синигидан қулдонлар, қандоллар, қулдонлар, қадаҳлар ишлаб чиқариш, узум уруғидан истеъмол ёғи олиб, вионинг қолдигидан спирт ва винокислотаси ишлаб чиқариш имкониятлари туғилди.

— Шавқиддин ака, келгусидан режалар, тадбирлар ҳам муштарикларимизни қизиқтиради.

— Ҳар кишининг ўз мўлжалли бор. Концернимиз тизимида рўёбга чиқиши лозим бўлган, биз қўзлаган ишлар талайгина. Шулардан бири бугунги кунда ниятда қўйиб бораётган консерва корхоналарини тақомиллаштириш. Чунки биз оватқа ишлаб чиқариш томан — бу ҳали тайёр маҳсулот эмас. Уни яна қайта ишлаб қайтага айлантириш мумкин. Мурабболарни турли хил ўлчамдаги бежирим халтачаларда дўкон пештахтасига чиқарила аса ҳам харидоринг, даромаддор бўлади. Шарабларини ҳам фақатгина банкларга жўйлаб сотавириш қўзларимиз қўнмаган ҳол. Ахир уни 100 граммлик, 200 граммлик елим уалталарда сотиш ҳам қўлай, ҳам одамлар мўлжаллидиган. Вино, арқоқлар турини ҳам, сифатини ҳам, шишалар — қурилишни яхшилаш ҳам фойдалан холи эмас. Қолаверса, бошқа маҳсулотларнинг ҳам хўшбўй ҳидини йиғишни жорий қилиш... Санайвераск, иш қўп, Исон ўз умридан усталлик билан фойдаланиши даркоркин, халққа намидаир қолсин. Негаки, юртимиз раванки учун ҳали жуда кўп ишлар қилиниши жоиз. Улар ўз-ўзидан рўёбга чиқиб қолмайдилар. Бунинг учун, сабуру қаноатини бошга тож қилиб, бегоналар миннатига қўлиб юрмаслик учун изчил ҳаракат қилишимиз керак. Бугунги меҳнат, эртанги роҳат.

— «Қишлоқ ҳақиқати» газетаси муштарикларига тилакларингиз.

— Аввало, ҳар бир йилга тинчлик, тотувлик, мустақил юртимизга оsonлаш, мусаффолик, фаровонлик истайман, Келажакга буюк давлатимиз фуқароларига солиқ-омонлик тилайман.

Суҳбатдош:

Тўқрин ЕРҚУЛОВ, «Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

ХАЙРЛИ ТАДБИР

Конимех районидан «Чордара» давлат ҳўжалиги чорвадорлари самарали меҳнат қилиб, улкан муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Улар давлатга шу кунгача 12.069 тонна гўшт топиридилар. Гўшга топирилган қўйларнинг тирик вази 49 килограммдан ташкил этиди. Ўринбой Кузоев, Эриш Садировлар бошчилик қилаётган бригадаларда иш яхши ташкил этилган. Омон Бўронов, Ақсулов Қурбонбоев, Қурбонгул Атимов ва каби илгор қўноқлар солиқларни астойдил парвариш қилишяпти.

Ҳўжалик чорвадорлари шу кунларда мўл озуқа базасини яратишга ҳаракат қилишмоқда. Далада бугдой, арпа, сорго экилиб, яхши ҳосил олинди. Айниқса Камол Тоғаев етакчилик қилаётган бригадала ҳар гектар ердан 140—150 центнердан беда ўриб олинди. Бугдой, арпа каби экинлар экилган майдонларнинг ҳар гектаридан 25—26 центнердан дон йиғиштирилди. Режада кўрса-

тилган 98 тонна ўрнига 153 тонна дон топирилди.

Республика Президентининг жумҳурият аҳолиси чорвасини ем-хашак билан таъминлаш борасидаги фармони ҳўжаликда тўла-тўқис бажаришмоқда.

Шунингдек, ҳўжаликда бир қанча хайрли тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Жумладан, бу ерда хайрия жамғармаси ташкил этилган. Жамғарма ҳисобидан келин-куёвларнинг бахт тўйлари ўтказилди. Қам даромадли ва кўп болали оилаларга, уруш ва меҳнат фахрийлари қайта моддий ёрдам бериляпти. Аҳолига 80 бош қўзи, ҳўжалик ишчиларига 2 килограммдан гўшт арзон нархда берилади. Ўқув йили арафасида ўқувчиларга моддий ёрдам берилади. 20 нафарига аса 1000—2000 сўмдан стипендия ажратилди. Улар ҳўжалик ҳисобидан бепоул оқнатлишларига ҳам алоҳида эътибор беришмоқда.

М. АДIZОВА,
Навий вилоти.

«Қишлоқ ҳақиқати» бонг уради

ҚАРОВСИЗ ШИЙПОНЛАР

Дехқон орзиқиб кутган мавсум бошланди. Терилган дастлабки оқ олтин қабул пунктларига етказиб бериляпти. Гайларни сувдан кўтарилган пайт келди. Белгилар этак тузиб, фидокорона меҳнат эвазига етиштирилган пахтани тизорқ саранжомлаб, хирмонга етказиб беришга астойдил ҳафакат қиладиган термичилар сафни кундан кунга кўпайишмоқда. Машина теримига ажратилган майдонларда аса гўза баргини тўктириш бошлаб юборилди.

Долзарб мавсумда қатнашяётган меҳнатқашларга қандай шарт-шароит яратилмоқда? Дехқоннинг иккинчи уйи ҳисобланган дала шийпонлари қай аҳволда?

Биз аса шундай саволларга жавоб излаб Касби райони ҳўжаликларидан бўлди. Район санитария-эпидемиология станцияси мутахассислари билан дала шийпонларида меҳнатқашлар учун яратилган шарт-шароит, озиқ-оват маҳсулотлари билан таъминлаш бора-сида олиб бориляётган ишлар билан атрофчи таъминотида айрим ҳўжалик, бўлим ва бригадаларда жиддий камчиликлар борлиги аниқланди. Кўпчилик шийпонлар озодалик қондаларига мўлжал қилиб берилади. Мавсумга пухта ҳаракат қилинган. Шийпонлар оқаниб, жиҳозлар билан таъминланмаган, теварак-атрофлар фидос.

«Наврў» жамоа ширкат ҳўжалиги чўлда жойлашган. Ишчи кучи ниятда оз. Шунинг учун ҳам ҳар йили ҳарқил ҳашарчилар теримга жалб қилинади. Лекин улар учун шарт-шароитлар, агроучасткага қарашли Ашурмамат Азавов бошлик бригадала шийпон каровсиз ағволда ётибди. Олти қондан иборат бина ханузгача таъмирланмаган. Дераза ойналари синик, эшиклар йўқ. Том устидаги шиферлар синиб, очилиб қолган. Иккинчи суви сақланган ҳовузаларда қопқоқ йўқ. Натижада суи фидослиниб, ичишга яроқсиз ҳолга келган.

Исонга шарт-шароит яратиб берилмасдан туриб, иш талаб қилиш бўлиб қолди. Лекин «Талиш» давлат ҳўжалигининг Отамурод Ҳўжамуродов бошлик бригадасида бунинг бошқа таъминоти — керак. Негаки шийпон каровсиз, ташлаб қўйилган. Бу ер ҳозир минерал ўғитлар сақланадиган оқборона вазибасини ўтати. Хо наларнинг бирортаси ҳам электр ўтказилмаган. Дераза ойналари синиб ётибди. Ҳўжаликнинг Насири Муратов, Чорни Йўлдошев, Абдирахим Эшонқуловлар етакчилик қилаётган бригадаларининг шийпонлари ҳам талаб даражасида эмас, озодалик ҳолати қониқарсиз.

С. Насири номи жамоа ширкат ҳўжалигининг М. Отамуродов, Б. Ҳўжаниёзов, Ҳ. Очипов, О. Қиличев бошлик бригадалари дала шийпонларида иш-

Жўра ЮСУПОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» жамоатчи мухбири.

Мирзачўл районидан «Индадала» ширкат ҳўжалигида 270 гектарда маккажўхори экилган. Шу кунларда ҳўжалик даладарида маккажўхори ўрни бошланди. Режадаги 35 центнер ўрнига 40 центнердан ҳосил олишга эришилмоқда.

СУРАТДА: ширкатлар уюшмаси раиси Нурмат Жобуриев ва асно бошлиги Анвар Турсунов ҳосил қўтидан таъмин.

Н. АЛМУРОДОВ
олган сурат.

БОШҚАРМА ҲОМИЛИК ҚИЛАДИ

Андижон вилоят дехқончилик-саноат уюшмаси қўшида таъминот бошқармаси ташкил этилди. Дастлабки вазифада у қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини бевосита жойларда қабул қилиш ва аҳолига сотиш билан шуғулланади. Ишлар йўлга қўйиб олинганидан кейин аса деҳқон ва фермер ҳўжаликларида маҳсулот сотиб олиб қайта ишлайди, хорижий миқозлар билан ҳамкорлик қилади.

Бошқарма барча туманларда бўлимлиларни очади, қўшни давлатлардан қишлоқларга зарур асбоб-ускуналар, тракторлар, автотранспорт, қурилиш материаллари, нефть маҳсулотлари келтирилади.

(ЎЗА).

Биз республикамизда 350 минг тонна уруғлик пахта тайёрлаш мўлжалланмоқда. Юқори сифатли уруғлик жамғармаша етарли имконият бор. Эндиги вазира уруғлини йиғиб-териб олишни намунали йўлга қўйиш ва келгуси йил ҳосили учун етарли миқдорда уруғлик жамғаришдан иборат.

Бу йил республикамизда 350 минг тонна уруғлик пахта тайёрлаш мўлжалланмоқда. Юқори сифатли уруғлик жамғармаша етарли имконият бор. Эндиги вазира уруғлини йиғиб-териб олишни намунали йўлга қўйиш ва келгуси йил ҳосили учун етарли миқдорда уруғлик жамғаришдан иборат.

Р. ИСАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазири дехқончилик бош бошқармаси бошлиги.

Ҳ. РАҲИМОВ,
вазирин пахта уруғчилиги бошқармаси бошлиги.

УРУҒЛИК ПАХТАГА—АЛОҲИДА ЭЪТИБОР

Маълумки, пахтадан мўл ҳосил олиш учун аввало сифатли уруғлик зарур. Бунинг асоси билан пахтакорларнинг келгуси йил ҳосили учун уруғлик чигит тайёрлашга ҳаракат қилишмоқда. Бу йил бошқор қўлай келиб, 45 фоз пахта майдонининг қайта экилиши қарамай дехқонларимиз мардонавор меҳнат қилишлари натижасида мўл хом ашё етиштирилди.

Сўнгги йилларда тез пишар навлар экиладиган майдонлар кенгайиб, қишлоқ ҳўжалик экинлари, жумладан пахта уруғчилигига эътибор кучайяпти. Бухоро-6, С-6424, АН-Боввут-2, Наманган-77, Фарғона-3, Юлдуз, С-9070, АН-415, Термиз-24, Термиз-16, Қарш-6 кабилар бунга ақвол мисолдир. Қорақалпоғистон республикасида С-4727, Бухорода Бухоро-6, Жиззахда АН-Боввут-2, Қашқадарёда Ю-8, Юлдуз ва Бухоро-6, Сирдарёда АН-Боввут-2, Қашқадарёда С-6524, Тошкентда С-6524, Самарқандда Қирғизистон-3, Қоразм вилотида 175-Ф каби районлашган навлар яхши самара бермоқда.

Шу кунлардаги пахтакорларимизнинг асосий вазибасида бири сифатли уруғ тайёрлашдан иборат. Бунинг учун республикамиз ҳўжаликларидан 340 минг гектардан зиёд пахта майдонлари текширув кўригидан ўтказилди. Мўлжалдангидан бирмунча зиёд оқ олтин тўпланганини маълум бўлди. Пайкалар серхосид, эрта пишган, касаллик ва ҳашаротлар билан кам зарарланган.

Маълумки, уруғлик чигитнинг сифати кўпгина омиллар — гўза парвариш, ўсимлигининг вилт ва қишлоқ ҳўжалик зараркундалари билан

зарарланиш даражасига боғлиқ. Шу боис уруғлик фондидан ушбу тўла навли, юқори ҳосилли, касалликларга чалинмаган, ҳашаротлар билан зарарланмаган гўза майдонлари ажратилди.

Текширувдан ўтказилган пайкалар агроном уруғчилар назоратида бўлмоғи лозим. Агар гўзаларнинг вилт билан кўпроқ зарарланганлиги кузатила у қайта алоҳида қилинади ва қўйи уруғлик группасига ўтказилмади. Мабодо зарарланиш даражаси белгиланган 15 фоздан ошиб кетгудек бўлса, уруғлик учун яроқсиз деб топилади.

Гўзанинг вилт билан касалланиш даражасига қараб ҳосилдорлик гектар бошига 1,5 центнердан 10 центнергача камайиб кетиши мумкин. Бундай майдонлардан олинган хом ашёнинг чигити экилганда гўза вилт билан кўпроқ касалланади. Шу туфайли пахтани терилшдан аввал дехқонлар ўртасида тушунириш ишлари олиб борилиши керак. Соғлом ва касалланган гўза ҳосилини аралаштириб теришга йўл қўймаслик лозим.

Гўзанинг пастидан юқорисига ва асосий пойдан ёш шохлари бўйлаб борган сари чигит ва тала сифати пасая боради. Шунинг учун пайкаларда деҳқонларнинг ниятда очилиб кетишига йўл қўймаган маълум. Қўл теримини икки муддатда ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Биринчи терим 4—5 муссон очилганда, иккинчи минтақалар шариоитига қараб гўзанинг 6 ва 8-шохлариди қўса очилганда ўтказилади.

Гўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институт маълумотларига кўра, республи-

камизнинг барча жойлариди уруғлик пахтани йиғиб-териб олиш даражаси бир хил эмас. Кондцион уруғлик Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилотларида ва Қорақалпоғистон республикаси шариоитида 5—6 ҳосил хошиди, Фарғона ва Сурхондەرё вилотларида 7—8 шохлариди чаноклардан

Мутахассис маслаҳати

ҳам олинади. Ингичка талапи пахтанинг 10—12 шохлариди оқ олтиндан ҳам уруғлик олиш мумкин.

Хом ашё уруғчи агрономлар, мутахассислар назорати остида терилмоғи ва унинг намлиги 8 фоздан ошмаслиги лозим. Акс ҳолда пахта гарамда қизиб кетиши мумкин. Натижада чигит унувчанлик қобилиятини йўқотди.

Кейинги йилларда намлиги юқори бўлганлиги сабабли уруғлик пахтани техник хом ашё сифатида топириш ҳоллари тез-тез содир бўляпти. Маълумки, юқори сифатли уруғлик эрта очилган гўзанинг пахти ярусиди чанокларда пайдо бўлади. Бундай қўсқалар юқори ҳарорат ва ҳавонинг намлик даражаси кам бўлганда етилади. Бу сифатли уруғлик етиштиришнинг асосий омилларидан биридир. Демак, уруғликини факат эрта очилган пахти яруслардаги қўсқалардаги ҳосилдан жамғариш керак.

Р. ИСАЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазири дехқончилик бош бошқармаси бошлиги.

Ҳ. РАҲИМОВ,

вазирин пахта уруғчилиги бошқармаси бошлиги.

Н. АЛМУРОДОВ

олган сурат.

АШИРМАТ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ

МУМТОЗ
УСТОЗ

Аширмат ана катта ижодкор, Тожикистонда ўзбек тилида ижод қилувчи ёшларнинг мураббийси эди. Ўша йиллари тахририят қошида бир гуруҳ умидли ёш ижодкорларни бирлаштирувчи ушмомага устоз раҳбарлик қилар, кўплар қатори наминадан ҳам меҳрини муруватини дарин тутмас эди. Ёш истеъдодларни тарбиялашда Тожикистонда ва Ўзбекистонда уларнинг китобларини чоп этиришда унинг хизмати беқиёс. Бир шоғирди сифатида шу сатрларини қорозга туширар эканман, Аширмат ака илҳомни жўшқин, фикри ўткир ва теран, сиёсий лирик шоир сифатида

Биз тарих саҳифаларини varaқласак, алло-маларимиз ўзбек ва тожик халқларининг азалий биродарлигини Ҳақиқатнинг қўш қаноти-га қиёслаб, унинг парвози йиллар силсиласидан омон ўтиб, гоёт сарбаланд эканлигини ёзиб қолдиришган. Бу аниқ ҳақиқат, албатта. Машҳур тожик шоири Мирзо Турсунзода бир мақоласида Аширматнинг адабиётда тутган ўрни ҳақида гапириб, унинг халқлар ва адабиётлар дўстлиги куйчиси ва беназир тарбиячилик хизматини қайд этган эди. Унинг ибораси билан айтганда, «Аширмат ўзбек ва тожик адабиётларини бир-бирига боғловчи кўприқдир». Бу кўприқ ҳозир ҳам икки халқ ўртасидаги дўстона муносабатларни кучайтиришда муносиб хизмат қилиб келмоқда.

Сир бўйи — нур бўйи. Унинг муаттар гулларга тўла масканларидан бири — Ҳўжанд вилоти дўстлик ва ижод чамани. Шоир Аширмат ва Назармат шу элнинг Нов қишлоғида таваллуд топишди. Ака-ука ижодкорларнинг адабиётда тутган ўз ўрни ва ўз овози бор. Афсуски, шоир Аширмат аниқ ижоди гурираган бир даврда, навқирон 51 ёшида ижод гулшанини тарк этди. Бу орада қанча суварлар оқиб ўтди, бетакор табият фасллари ўз куйчисини сўроқлаб неча бор атрофга ўз сепини ёйди. Лекин кўнглиларда бир таскин бор. У ҳам бўлса, эл ардоқлаган ижодкорга асло ўлим йўқ. Бундай ижодкор доим халқ билан бирга яшайди. Унинг юрагидан қорозга тушган сатрлари, чоп этилган ва чоп этилмаган қолган асарлари умри боғийлик сари элтади.

Шоирнинг порлоқ хотираси, қиёфаси ҳамон кўз ўнгимда гавдаланади. Кечагидай эсимда — 1959 йилнинг август ойи охири эди. Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ТошДД)нинг журналистика факультетини тугатган кезларим. Мени Душанбе шаҳрида ўзбек тилида чинадиган «Совет Тожикистон» республика газетасига ишлаш учун таклиф этишган эди. У ерга кетиш олдида Назармат ака билан учрашдим. У киши талабалик йилларимдан, ижодий машқларини ҳар томонлама қўллаб-қувватловчи яқин ижодкорларимдан бири эди. Назармат ака «Совет Тожикистон» (ҳозирги «Халқ овози») газетасида акаси Аширмат ишлашини, унга салом етказишини айтиб, мухтасаргина мактуб ёзиб берди. Манзилга етиб келиб, Аширмат ака билан учрашдим. Иш ва ижод юзасидан доимий мулоқот ўрнатиб, ундан кўп нарсалар ўргандим. Шоир гоёт содда ва камтар, намсукум, ўзи ҳам, кийиниши ҳам, ҳатто сузлари ҳам шу фазилатга хос эди. Аширмат ака билан уч йил бирга ишлагимизга тўғри келди. Ана шу қисқа муддатнинг бой хотираларини айтсам адо бўлмайди.

ЕР НАҚҚОШИ

Ҳўжанд вилот Пролетар туманидаги Ленин номи жамоа ҳўжаллиги бошқаруви раиси, икки марта Меҳнат Қаҳрамони Абдуғаффор бо-бо САМАДОВга бағишланади.

Ёшлиқдан севаман Ёўлакандозни, Нону тузини еб қотди суягини, Хирмонлари улкан, илғор колхозни, Шеъримда куйламоқ эзгу тиллагим.

Торгина кулдада ўқиб девонлар, Мудроқ кўзларини очардим сахар. Қишлоқни ўраган пахса деворлар, Узоқ тарихдан берарди хабар.

Ёўлакандоз билан Нов орасида — Қақраган даштларда кездим пиеда, Андарсой ва Деҳқон, Гул орқасида, Бўз ерлар ётарди ҳаддан зиёда.

ОЛИМПИАДА ҚАЙСИ ШАҲАРДА ЎТАДИ?

Халқаро олимпия комитетининг Монте-Карлода ўтказган сессиясида бугун 2000 йилги ёзи олимпияда баҳслари ўтказиладиган шаҳар маълум бўлади. Бир йил олдин 2000 йилги ёзи олимпия баҳсларини ўтказишга етти шаҳар — Тошкент, Бразилия, Берлин, Сидней, Истамбул, Манчестер ва Пекин даъвогарлик қилаётган эди.

Шуни айтиш керакки, жаҳоннинг етакчи спортчилари тўпланган мусобақаларни ташкил этиш у ёлда турсин, бунга даъвогарлик қилишнинг ўзи анча-мунча харажатларни талаб этади. Бундан ташқари нитисдий жиҳатдан сўзсиз бакуватроқ бўлган Берлин, Сидней, Манчестер, Пекин каби шаҳарлар билан рақобатда ениб чикиш қийин эканлигини англаган айрим шаҳарлар 2000 йилги олимпияда баҳсларини ўтказишга даъвогарликдан воз нечишди. Шу жумладан август ойида Бразилия шаҳри маъмурилари ҳам шундай қилишди.

Шу тариқа 2000 йилги олимпияда баҳсларини ўтказишга талабдор шаҳарлар бештага тушиб қолди, демек рақобат янада кўчиди. Лозана (Швейцарияда чоп этиладиган «Л.Эбдо» журнали саҳифаларида уқтирилишича, 2000 йилги олимпияда баҳсларини ўтказишга талабдор шаҳарлар вакиллари Халқаро олимпия комитети аъзоларининг кўнглини топиш мақсадида ҳатто улар фарзандлари ва невараларининг қандай ўлчовда пойфазал кийишига ўрганиб чикишган...

Халқаро олимпия комитети аъзолари ва спорт жамоатчилигини ўз томонига оддириш учун Сидней шаҳри маъмурияти мисли қўрилмаган ташаббус билан чиқиб, мабодо 2000 йилги олимпияда баҳслари ушбу шаҳарда ўтказиладиган бўлса, барча спортчилар, уларнинг мурабийлари, меҳмонлар, шу жумладан мусобақаларни ёритишга келадиган матбуот вакиллари текинга қабул қилишни билдирди. Сиднейдан сўнг Пекин маъмурилари ҳам шундай ташаббус билан чикишди.

Бошқа талабдор шаҳарлар ҳам бўш келишайтгани йўқ. Хусусан Манчестер учун Буюк Британия Бош министри жон койитмоқда. Бунинг боиси нимада?

Гап шундаки, олимпияда мусобақалари ишининг кўзини билиб ўтказилса, йиринк компаниялар, корпорациялар, телевидение рекламиси ва бошқа тадбирлардан келадиган даромадлар ҳисоби-га барча харажатларни қоплайди, шаҳарга улкан доврақ келтиришдан, ташқари замонавий алоқа воситалари, спорт иншоотлари, меҳмонхоналар бунёд этилишини таъминлайди. Айнан шу боис 2000 йилги олимпияда баҳсларини ўтказишга талабдор шаҳарлар вакиллари Халқаро олимпия комитети аъзоларини ўз томонига оддиришга жон-жаҳди билан уринишди. Бу шаҳарлардан қайси бирига омад қилиб боқиши бугун узил-кесил ҳал бўлади.

Шермуҳаммад ИҲЛОШ ўғли.



Ёўзал манзарали жойлар республикамининг ҳар бир вилотида учрайди. Айниқса водийда янсонни ҳайратга солувчи сулим масканлар кўп. «Ўзбектефильм» Косонсой туманининг ана шундай ҳўшманзаро жойларини тасвирга

тушира бошлади. Бу хайрли ишга режиссёр Саидботир Аҳмадхўжаев бошчилик қилмоқда.

СУРАТДА: тасвирга тушириш пайти.

Турғунбек МАҲКАМ олган сурат.

МАХСУС ДЎКОНЛАР УЧУН

Сирдарё вилот деҳқончилик-саноат мажмуини техника билан таъминлаш ва таъмирлаш давлат кооператив бошқармиси қошида

фермер ва деҳқон ҳўжали-ларини зарур техника билан таъминлайдиган марказ ташкил этилди. Бу ердаги устхонада тайёрланган асбоб-

уқуналар вилот туманларида очиладиган махсус дўконларда сотилади.

(ЎЗА).

«ТОЖБОБУР» ИШГА ТУШИШ АРАФАСИДА

Ҳинд қурувчилари Тошкент марказида бунёд этилган, жаҳон таснифига кўра турт юлдузли тоифадаги шинам меҳмонхона қурилишида 85 фонддан ортиқ иш тугалланди. «Тожбобур» деб аталадиган бу меҳмонхона янаги сайёҳлик мавсумида дастлабки меҳмонларни қабул қилади.

Маълумки, меҳмонхона қурилишининг бош пудратчиси Ҳиндистоннинг машҳур «Тата прожектс лимитед» фирмаси ҳисобланади, дейди қурилиш бош директори В. Порфирьев. Бу фирма жаҳоннинг жуда кўп шаҳарларида мана шундай қонақоналар қуриб, катта тажриба ортирган. Келгуси йилнинг бошларида «Тожбобур»ни босқичма-босқич топшира бошлайди. Аммо бунга қадар кўпгина муаммоларни ҳал қилишимиз зарур. Ҳозир чет эл компаниялари билан мебел, жи-

ҳоз, идиш-товоқлар сотиб олиш бўйича музокаралар олиб боришимиз. Чунки Марказий Осиёдаги энг салобатли меҳмонхонанинг сийрати ҳам суратига мос бўлиши керак.

Шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонлари «Тожбобур»нинг ғайри оддий — ойнаванд беағига эътибор берган бўлишлари керак. Офтобда ятираб турган бу қора ойналар Бельгиядан келтирилган махсус материалдан асалган. Бу ойналар энг жазирама кунда ҳам қонақоналарни қувиридан сақлайди. Қувирида тобланишни хоҳловчилар учун эса махсус солярий барпо этилган.

Ўзбекистонлик мутахассислар ҳам қурилишда фаол иштирок этишмоқда. Ҳинд фирмаси билан шартномага асосан улар қурилишни ҳар хил зарур материаллар, жиҳозлар билан таъминламоқда, муҳандислик тармоқла-

рини қуриш билан шуғулланмоқда. Ўзбекистонлик алоқачилар нобэ электрон телефон станциясини ҳам ўрнатилмоқда. Бу станция меҳмонхонанинг ҳар бир қонақонадан туриб, дуненинг истаган шаҳри билан гаплашиш имконини беради.

Меҳмонхонани пардозлаш ишларининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида гапирар эканмиз, расомларимизнинг самарали ишларини ҳам қайд этишимиз лозим. Улар «Тожбобур»ни миллий услубда беашимоқда. «Тожбобур» ишга тушганидан кейин «Ўзбекистон» меҳмонхонасини таъмирлаш бошланади. Бу ишга хорижий мутахассисларни ҳам жалб этиш мўлжалланмоқда. Қайта таъмирланган «Ўзбекистон» — энг юксак халқаро талабларга мос келадиган меҳмонхонага айланади.

Н. САФАРГАЛИЕВА, ЁЗА мухбири.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» «ҲОЖАТБОРОР» ТАРҒИБОТ-ТАҚРИР ХИЗМАТИ

МУЛОҚОТ УЧУН ТЕЛ: 33-44-43, 32-54-44, 32-56-34, 32-56-25

БУЮРТМАЛАРИНГИЗ ТЕЗДА АДО ЭТИЛАДИ

Жутилов

Меҳрибон опаюлим Шаҳрихон Абдуллаева!

Таваллуд топган кунингиз муносабати билан синглингиз Омонжон Ғаниева, онламин бошлиғи Матмурод Матқурбонов, ўғлим Илхомжон, келиним Анора, набираларим Сумбула ва Ойбеклар номидан чин кўнглидан йўлланаётган ушбу табрикомани қабул этинг. Сиз учун гоёт қутлур санада муборакбод этар эканмиз, узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Сирдарё районидаги «Янги ҳаёт» жамоа ҳўжалигида механизатор, бригадир, бошқарув раиси сифатида сиққидил ишлаб, эл-юрт ҳўрматини қозонганингиз, ҳозирги пайтда қишлоқ Кенгашига раҳбарлик қилиб, ўзингизга яраша обрў-эътибор ортирганлигингиз билан биз фахрланамиз. Фарзандларингиз, Улурбек, Феруза сингари ширин-шакар набираларингиз даврасида доимо шод-хуррам бўлиб юришингизни ният қиламиз.



ТАШКИЛОТ ҚУЙДАГИ ЗАМОНАВИЙ УСКУНАЛАРНИ

СОТАДИ:

1. ЯПОНИЯНИНГ «ТОШИБА» ФИРМАСИ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН 11 КВТДАН 75 КВТГАЧА, МИНУТИГА 750 ДАН 3000 ГАЧА АЙЛАНИШ ҚУВВАТИГА ЭГА БЎЛГАН ЭЛЕКТРОДВИГАТЕЛЛАРИ;
2. ҲАМДЎСТЛИК МАМЛАКАТЛАРИДА ТАЙЕРЛАНГАН 2,2 КВТДАН 5,5 КВТГАЧА, МИНУТИГА 950 ДАН 3000 ГАЧА АЙЛАНИШ ҚУВВАТИГА ЭГА БЎЛГАН ЭЛЕКТРОДВИГАТЕЛЛАРИ. КЕЙИНГИ ТАЪЖИДЛАНГАН ЭЛЕКТРОДВИГАТЕЛЛАР МАҲСУЛОТНИ ИШЛАБ ЧИҚАРГАН ҚОРХОНА ТОМОНИДАН ҚЎЙЛГАН БАҲО БЎЙИЧА СОТИЛАДИ.
БУНДАН ТАШҚАРИ УШБУ ТАШКИЛОТ РЕСПУБЛИКАДАН ТАШҚАРИ ОЛИБ ЧИҚИШГА ЛИЦЕНЗИЯСИ БЎЛГАН ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ПЎЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

СОТИВОЛАДИ

Мулоқот учун телефон: 78-67-21, телефакс 45-75-67.

ШИРКАТЛАР, ОВҚАТЛАНИШ ШОҲОБЧАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАР ЭЪТИБОРИГА

Москвадаги йирик ва замонавий корхонада ишлаб чиқарилган, соатига 12 килограмм турли макарон маҳсулотлари тайёрлаш қувавтига эга бўлган «Макма-м» машинаси сотилади. Барча иш жараёнлари механизация ердамида тез адо этиладиган ушбу агрегатни лағмон ха-

мирини чиқаришга ҳам мослаштириш мумкин. Бу машинада турли йўғонликдаги макарон, рожки, вермишель ва бошқа маҳсулотларни тайёрлаш қўзда тутилган. Тошкентдаги 97-93-59 рақамли телефонга қўнғирок қилсангиз, қўшимча маълумотлар оласиз.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

ШУ ЙИЛНИНГ 30 СЕНТЯБРЬ КҮНИ ҚУХНА БУХОРО ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 1992 ЙИЛГИ 12 ФОИЗЛИ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЕМИ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ 6-ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ. ҲОҲЛОВЧИЛАРИ БУХОРО ШАҲРИГА ТИРАЖДА ҚАТНАШИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон жамғарма банки.

Бош муҳаррир Н. ЁҚУБОВ.

Рўзнома тахрир ҳайъати: Н. ҚАЙУМОВ, М. ИСЛОМОВ, М. МИРЗАЕВ, Ҳ. РАҲМАТИЛЛАЕВ, М. ҚАЙУМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), С. САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), О. ҒОФУРОВ (масъул котиб), Н. ОРИФЖОНОВ, К. РИХСИБ, Э. ИБРОҲИМОВ, Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазири, «Ўзподоовощинпром» кооперни, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири, «Қишлоқ ҳақиқати» журналистлари жамаоси.

МАНЗИЛҲОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР, Мухаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93, Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51, 33-09-93. Қайта ишлаш саноати бўлими — 32-56-31. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими — 32-56-22. Мелиорация ва қишлоқ қурилиши бўлими — 32-56-33. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-09-93. Ақборот ва спорт бўлими — 32-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Беатизм бўлими — 32-58-79.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000096. Буюртма Г-533. 29070 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қороз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди — 21.30

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармиси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6.